

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 108-ҳадис

108 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا يَسْأَجِي أَتَنَانٍ دُونَ وَاحِدٍ».

مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ.

Ибн Умар розияллоху анхұмодан ривоят қилинади:

Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни: «**Бир кишини қолдириб, икки киши гаплашмасин**», деб айтганларини эшитдим», дедилар.

Муттафакун алайх.

Шарҳ: Ислом инсонлар ўртасида адоват ва нафрат келиб чиқмаслигини истайди. Шу сабаб, мусулмонлар орасида шубҳа-гумонга олиб келувчи нарсалардан қайтаради, түсқинлик қиласы. Ишончсизлик келтириб чиқарадиган нарсалардан бири шуки, икки киши ўзаро гаплашаётганда учинчи кишини якка қолдириб, алоҳида гаплашиш, четга ўтиб олиб, пичирлашишдир. Агар учинчи кишини якка қолса, шайтон фурсатни ғанимат билиб, унга ёмон шубҳа гумонларни васваса қилиш аниқдир. Шунинг учун биз мусулмонлар бундай ҳолат бўлишига йўл қўймаслигимиз шарт бўлади.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Ислом мусулмонларнинг қалбан соғлом бўлишига эътибор қаратади.
2. Ислом учинчи кишини қолдириб, икки кишини пичирлашиб гаплашишини ман этади.
3. Ислом мўмин қалбларга васваса ва ёмон гумонни киритмаслик учун шайтон қаршисидаги эшикларни ёпади, йўл бермайди.
4. Махфий гаплашиш деганда, учинчи киши эшитмайдиган даражада ёки тушунмайдиган ҳолатда гаплашиш ёки бошқа у тушунмайдиган тил орқали гаплашиши тушунилади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

